

Наср II ибн Исмоил Сомоний, Амири Саъид (Саодатлик)
(тахминан 906-943)
(914-943)

Сомонийлар давлати хукмдори. Давлатни 8 ёшли Наср ибн Ахмад номидан вазир Жайхоний бошқарган. Унинг даврида Бухоронинг Регистон майдонида подшо касри каршисида девонлар учун сарой қурилиб, давлат маҳкамаси мана шу махсус бинога жойлашган эди. Унинг ҳукмронлиги даврида сомонийлар давлати ҳудудларида қарматлар ҳаракати анча кескин тус олди. Наср ибн Ахмад шиа мазҳабини қабул қилганидан норози бўлган сунний рухонийлар турк гвардияси ёрдамида Наср ибн Ахмадга қарши фитна уюштиришган. Бундан хабар топган Наср ибн Ахмад фитнани фoш этиб, ўз ўғли Нух фойдасига тахтдан воз кечган.